

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА  
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ  
А Ж Р И М И

2025 йил март ойининг 14 куни, Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанцияси ўз биносида, очик суд мажлисида,

раислик қилувчи: В.Сиддиков,

ҳайъат судьялари: А.Омонов ва Б.Хайдаровдан иборат таркибда, А.Нурматовнинг котиблигида, тарафлардан Фарғона вилоят прокуратураси бўлим прокурори Ғ.Рўзиев, ҳимоячи М.Паёзова, судланган Ххх ва Хххнинг иштирокида, Ххх ва Хххга оид жиноят ишлари Хххнинг апелляция шикояти асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман судининг 2025 йил 11 февралдаги ҳукмига кўра:




Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а,б” бандлари билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 4 йил, ЖКнинг 62-моддаси тартибида 3 йил 10 ой 6 кун озодликни чеклаш жазосига;



Ҳужжат имзоланган: Сиддиков Ваҳобжон Валиевич, 14.03.2025





Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а,б” бандлари билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 6 йил, ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида 6 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланганлар.

Судланган Ххх ва Хххдан жабрланувчи Хххга 162.797.721 сўм 5 тийин солидар тартибда моддий зарар ундириш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 483-моддаси тартибида, жиноят



ишининг шикоят бермаган Хххга оид қисми ҳам кўрилади.

Суднинг ҳукмига кўра, Ххх ва Ххх хавфли рецидивист бўлганлари ҳолда, олдиндан тил бириктириб, 2023 йил январь ойидан сентябрь ойига қадар Хххга тегишли Тошлоқ тумани, “Варзак” МФЙ ҳудудида жойлашган “Осиё Олмос Файз” МЧЖда темир профиль ишлаб чиқарувчи ускунаси борлиги ва уни сотмоқчи эканлигидан хабар топиб, у билан учрашиб, тадбиркорлик қилиш мақсадида мазкур ишлаб чиқариш ускунани 250.000 АҚШ долларига сотиб олишлари, ускунасини сотиб олиш учун етарли пул маблағи йўқлиги, агар пул бериб турса, “Миллий банк” томонидан ишлаб чиқариш учун кредит маблағлари ажратилаётгани, кредит маблағлари ажратилганидан сўнг эса унга тўловни амалга оширишни айтиб, 152.532.951 сўмга тенг 12.550 АҚШ долларини;

бундан ташқари, Ххх 2023 йилнинг апрель ойидан июль ойига қадар бўлган вақт оралиғида ижара асосида яшаб келган Тошлоқ тумани, “Ахшак” МФЙ, Ўзбекистон кўчасида жойлашган кўп қаватли уйларда қўшни бўлиб яшовчи Ххх билан кўришиб, ундан ўзининг номига Тошлоқ тумани марказида жойлашган “Garant Metra Trade” МЧЖдан муддатли тўловга телевизор, автомат кир ювиш машинаси, музлатгич ва кондиционерларни ўзи фойдаланиб юриши учун олиб беришини сўраб, мазкур маиший техника буюмлари пулларини ойма-ой ўзи тўлаб боришлигини айтиб, бундан ташқари, Тошкент шаҳрига тақиб бориб келиш учун тилла тақинчоқларини бериб туришини, 3 кун ичида қайтаришини айтиб, алдаб, ёлғонларига ишонтириб, унинг қиймати 3.454.000 сўмлик 1 дона “PREMIER” номли телевизор, қиймати 9.062.000 сўмлик 1 дона “Samsung” номли автомат кир ювиш машинаси, қиймати 3.356.000 сўмлик 1 дона “PREMIER” номли музлатгичи, қиймати 8.946.000 сўмлик 1 дона “AUX” номли кондиционери, қиймати 2.000.000 сўмлик 1 дона тилла зираги, қиймати 4.500.000 сўмлик 2 дона тилла узуклари, жами 31.318.000 сўмлик товар моддий бойликларини, такроран фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликда айбли деб топилганлар.

Судланган Ххх апелляция шикоятда, етказилган зарарни тўлашга имконият яратиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.

Судланган Ххх эътирозномасида, шикоятга эътирозини судда айтишини; жабрланувчи Ххх эътирозномасида, шикоятга эътирози борлиги, зарар қоплаб берилмагани, суд ҳукмини ўз кучида қолдиришни билдиришган.

Апелляция инстанцияси, иш бўйича вилоят суди судьяси В.Сиддиқовнинг маърузасини, прокурор Ғ.Рўзиёвнинг иш бўйича етказилган моддий зарар бартараф этилганлиги боис суд ҳукми билан тайинланган жазони қонунга мувофиқлаштириш, судланган Ххх, Ххх ва ҳимоячи М.Паёзованинг иш бўйича моддий зарар тўлиқ қопланганлиги сабабли суд ҳукмини ўзгартириб, апелляция шикоятини қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгартиришни лозим топди.

Суд ҳукмида, иш тафсилотлари тўғри аниқланиб, судланган Ххх ва Хххларнинг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиб, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиб, асосли равишда рад этилган ва судда



текширилган далиллар – судланувчиларни ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек уларнинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқланиш учун етарли деб ҳисобланиб, уларнинг юқорида қайд этилган фирибгарлик жиноятларини содир этганлиги, ўзларининг қилмишларига тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатувлари билан бир қаторда, жабрланувчи Ххх ва Ххх, гувоҳ Хххнинг суддаги кўрсатувлари, аризалар ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиқланганлиги ҳақида асосли хулосага келиниб, уларнинг ҳаракати ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а,б” бандлари билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 5-қисмида, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги қарорининг 9-бандида, Жиноят кодекси Махсус қисмининг қатор моддалари нормаларида муайян шарт мавжуд бўлиб, унга кўра ЖКнинг 168-моддасида назарда тутилган жиноятлар учун - жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда, маҳкумга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш тариқасидаги жазонинг қўлланилиши истисно этилиши муносабати билан қонуннинг мазкур нормаларида назарда тутилган шарт бажарилган ҳолларда тегишли апелляция инстанцияси суди, моддий зарар қайси судлов босқичида қопланганлигидан қатъий назар, қамоқда сақланаётган шахсларга нисбатан эҳтиёт чораси тури, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган шахсларга нисбатан эса, жазо турини ўзгартириш масаласини дарҳол ҳал этиши шартлиги ҳақида тушунтириш берилган.

ЖПКнинг 491-моддасида, ишни апелляция, кассация, тафтиш тартибида кўриб чиқаётган суд етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисмининг озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги тўғрисидаги тегишли моддаси нормасини қўллаш учун асослар аниқланган тақдирда ҳукми ўзгартириши;

483-моддасида, суд жиноят ишини апелляция, кассация, тафтиш тартибида кўришда шикоят ёки протест важлари билан чегараланмайди ва ишни барча маҳкумларга, шу жумладан тегишли шикоятни бермаган шахсларга ёки ўзига нисбатан шикоят (протест) берилмаган маҳкумларга нисбатан ҳам тўла ҳажмда текшириши белгиланган.

Жабрланувчи Ххх, суд ҳукми билан судланган Ххх ва Хххлардан ундирилиши белгиланган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги юзасидан ариза билан мурожаат этганидан ташқари, апелляция инстанцияси судида, унга етказилган моддий зарар судланганнинг оила-аъзолари томонидан тўлиқ қоплангани, Ххх ва Хххларга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб, уларга нисбатан енгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Шу сабабли, апелляция инстанцияси суди, судланган Хххга оид суд ҳукмини ўзгартириб, унга нисбатан жазо тайинлашда, унинг шахси аёллиги, айбига иқрорлиги, моддий зарар тўлиқ қопланганини жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида баҳолаб, ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а,б” бандлари билан



қонун санкциясида кўрсатилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни;

судланган Хххга оид суд ҳукмини ўзгартириб, унга нисбатан жазо тайинлашда, унинг шахси, айбига иқрорлиги, моддий зарар тўлиқ қопланганини жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида баҳолаб, ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а,б” бандлари билан қонун санкциясида кўрсатилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ҳукмнинг қолган қисмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини эса қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 495, 497<sup>26</sup>, 497<sup>31</sup>-моддаларига асосланиб, апелляция инстанцияси

### А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ххх ва Хххга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман судининг 2025 йил 11 февралдаги ҳукми ўзгартирилсин.

Хххга Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а,б” бандлари билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида, Хххни 2024 йил 17 декабрдан 2025 йил 11 февралга қадар қамоқда сақланган 54 куни, яъни 5 ой 12 кун тайинланган асосий жазодан чегирилиб, ўташ учун 1 йил 6 ой 18 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Жазони мазкур турдаги жазолар ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўташ белгилансин.

Жазони ўташ муддати Ххх жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро этиш Фарғона шаҳар ИИБ зиммасига юклатилсин.

Хххга Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а,б” бандлари билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Хххга илгариги ҳукм билан тайинланиб, жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман судининг 2024 йил 26 июлдаги ажримига кўра шартли озод қилиниб, ҳозирда ўталмаган 11 ой 9 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини шартлилиги бекор қилинсин, унга ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида, ўталмаган жазони қисман қўшиш йўли билан ўташ учун узил-кесил иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида, Хххни 2024 йил 20 декабрдан 2025 йил 14 мартга қадар қамоқда сақланган 2 ой 24 куни, яъни 8 ой 12 кун тайинланган асосий жазодан чегирилиб, ўташ учун 1 йил 9 ой 18 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Жазони мазкур турдаги жазолар ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўташ белгилансин.

Жазони ўташ муддати Ххх жазони ўташ учун юборилган корхона,



муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро этиш Марғилон шаҳар ИИБ зиммасига юклатилсин.

Хххга нисбатан қўлланилган қамоқ эҳтиёт чораси бекор қилиниб, у дарҳол суд залида қамоқдан озод қилинсин.

Жабрланувчи Хххга 162.797.721 сўм 5 тийин етказилган моддий зарарлар тўлиқ қоплангани инобатга олинсин.

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин, апелляция шикояти қаноатлантирилсин.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими устидан Фарғона вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят ёки протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи:

имзо

В.Сиддиков

Ҳайъат судьялари:

имзо

А.Омонов

имзо

Б.Хайдаров

нусхаси аслига тўғри:

вилоят судининг судьяси

В.Сиддиков

